



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 8 май, шанба № 56 (703)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## МУШТАРАК МАҚСАДЛАР МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

7 май куни Болгария Президенти Петар Стоянов расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Шу куни шаҳар ташкаридаги Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов билан Болгария Президенти Петар Стояновнинг яқнама-яқна учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда халқаро ҳаётдаги долзарб воқеалар, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли, ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентларнинг ўзаро мулоқоти ниҳоятга етгач, икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Музокараларда асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласига қаратилди.

Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан ҳар икки томон ҳам бирдек манфаат кўради, - деди Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов. - Жаноб Петар Стояновнинг Болгария раҳбари сифатида Марказий Осиё мамлакатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонга расмий ташриф билан келгани ҳам бежиз эмас. Шу ўринда бир гапни айтиши керак - Ўзбекистон Болгария учун ҳаммиша очикдир.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гапирганда, аввало, коммуникация ва транспорт масаласига тўхталлиш керак бўлади. Бу борада асосий дастур ТРАСЕКА лойиҳаси ҳисобланади. Шарқ ва Ғарбни бир-бирига туташтирадиган мазкур транспорт йўлагини тўла қувватда ишга тушириш учун у ўтадиган мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқаларни мустақамлаш зарур бўлади. Негаки мазкур йўлак бу йўналишдаги барча давлатларга бирдек фойда келтиради. Хусусан, биз нафақат Болгария, балки Европа бозорига чиқишимиз учун ҳам Болгариянинг Варна шаҳри



портларидан фойдаланишимиз мумкин. Болгария эса Ўзбекистон орқали нафақат Марказий Осиё, балки бутун Осиё бозорига чиқиши мумкин. Айни мавзуда гап кетганда шуни айтиш кераки, бугунги кунда Грузиянинг Потти порти билан Болгариянинг Варна порти ўртасида алоқа йўлга қўйилгани ТРАСЕКА лойиҳасини ҳаётга тадбиқ этишдаги муҳим ишлардан бири бўлди. Дарвоқе, ТРАСЕКА ҳақида гапирганда мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов ўтган йили Болгарияга расмий ташрифи чоғида айтган бир гапни эслаш ўринли. Ушанда давлати раҳбари ТРАСЕКА коридори ҳаёлот эмас, деган эди.

Президентимиз ТРАСЕКА лойиҳасини амалга оширишда бир муҳим масалага тўхталлиб ўтди. Бу божхона ва солиқ йўналири билан боғлиқ. Агар мазкур йўналишдаги ҳар бир давлат ўз қондаларини илгари сураверадиган бўлса, бу борада ҳеч қандай ривожланиш бўлмайди, деди жумладан Ислон Каримов. Шунинг учун бу йўналишда жойлашган мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашувини ўтказиб, божхона ва солиқ, шунингдек, бошқа ҳисоб-китоблар бўйича тарифлар юзасидан бир тўхтамага келиб олиш зарурати юзага чиқаяпти.

Музокараларда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик мавжуд имконият даражасида кечмаётгани

алоҳида таъкидлаб ўтилди. Биргина мисол, ўтган йили Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 13 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Бу икки мамлакатнинг имкониятларини ҳисоб-китоб қилганда, кам кўрсаткичдир.

Ўзаро ҳамкорликдан кўзлаган мақсадимиз битта - хорижий сармоянинг мамлакатларимизга оқиб келиши учун қулай шароит яратиш, - деди Болгария Президенти икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида ўз фикрларини баён қилар экан. - Шунинг учун ўзаро саяё-ҳаракатларни бирлаштириш керак. Шунда бизга Шарққа, Ўзбекистон учун эса Ғарбга чиқиш осон кечади. Қолаверса, яратилажак транспорт йўлаги туфайли мамлакатларимизга кириб келади-ган сармоя ҳам кўпаяди.

Музокараларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун ушбу мақсадда ташкил этилган кўшма комиссия мажлисини ўтказиб, томонларни қизиқтирган масалаларни тўла-тўрига ташлил этиш, ўзаро савдо-сотиқда товарлар турини ошириш, ҳар икки мамлакат худудида фаолият кўрсатажак фирмалар учун кафолатларни кўпайтириш зарур экани таъкидланди.

Музокараларда Болгария томони Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкентда ўз элчихонасини очажигани маълум қилди. Шунингдек, яқин келажакда Софияда Ўзбекистон элчихонасини ҳам очиб режалаштирилаётгани айтилди. Яна бир гапни айтиб ўтиш кераки, музокаралар чоғида ўзбекистонлик болаларнинг Қора денгиз соҳилидаги дам олиш масканларида жўнатиш борасида муайян келишувга эришилгани ҳам муҳим иш бўлди.

Мулоқот чоғида шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни, илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳам сўз борди.

Музокараларда икки томонлама кўшма ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон ва Болгария ҳукуматлари ўртасида белгиланган худудлар ҳамда улардан ташқарида ўзаро ҳаво алоқасини йўлга қўйиш тўғрисида ҳамда жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида имзоланган дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ратификациялангани ҳақида ёрлиқлар алмашиш тўғрисидаги протоколга ҳам имзо чекилди.

Шундан сўнг Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Учрашувда икки давлат раҳбарлари ўзаро сўхбат чоғида, шунингдек, делегациялар музокаралари давомида муҳокама этилган масалалар юзасидан яқдилликка эришилганини маълум қилди.

Биз ўтган йили Болгариядаги учрашувлар давомида икки давлат ўртасида ҳар томонлама алоқаларни кенгайтириш бўйича муайян келишувларга эришгандик, - деди давлатимиз раҳбари. Болгария Президенти мазкур ташрифи мана шу ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги Ўзбекистон-Болгария мулоқотининг узвий давомидир. Биз бугунги учрашувда икки давлат ўртасидаги савдо алоқаларидан кўнглимиз тўлмаганини билдирдик. Имкониятларимиз бу рақамнинг бир неча бор кўп бўлишини таъминлаши мумкин эди.

Шунингдек, бугунги учрашувда Тошкент ва Болгариянинг Бургас шаҳри ўртасида самолёт қатновини йўлга қўйишга ҳам келишиб олдик, - дея давом этди Ислон Каримов. - Таъкидламоқчиманки, айни пайтда бу масала деярли ҳал бўлди. Мазкур ҳаво йўли халқларимиз ўртасидаги борди-келдини янада кўчатиради.

Болгария Президенти журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон ҳам, Болгария ҳам ўз минтақаларида мувозанатни сақлаб турувчи етакчи давлатлардан эканини таъкидлади.

Собиқ иттифок тарқаб кетганидан сўнг биз ташқи бозорларимизнинг катта қисмини йўқотдик, - деди у жумладан. - Шунинг учун бугунги кунда эски алоқаларни тиклаш биз учун муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида аънавий иқтисодий алоқаларни кучайтиришда бизга жуда муҳим ҳамкор бўлади. Ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларимизни янада юқори поғоналарга олиб чиқсак, бу борада катта муваффақиятларга эришимиз шубҳасиздир.

Президентлар журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

Болгария Президенти Петар Стояновнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

Фарҳод АРЗИЕВ, Анвар КАРИМОВ, Ўза махсус муҳбирлари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

107-сон

1999 йил 8 май

Тошкент шаҳри

Ўртоқ аскарлар, сержантлар ва старшиналар, прапорщиклар, офицерлар ва генераллар!

Муҳтарам уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари!

Ўзбекистон халқи ва унинг Қуролли Кучлари 1999 йил 9 майда умумхалқ байрами - Хотира ва кадрлаш кунини нишонлайди.

Шу куни биз Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида ўз ҳаётини қурбон қилган барча кишиларнинг муқаддас хотирасини ёд этамиз. Ўзининг фидокорона меҳнати билан мустақил Ўзбекистоннинг обрўсини оширишга, ёшларни ватанпарварлик руҳида, маънавий-ахлоқий тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган уруш, меҳнат ва Қуролли Кучларнинг барҳаёт фахрийларига ҳурмат-эҳтиромимизни билдираман.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида кекса авлодлар ва буюк аждодларимиз шон-шухрати ворислари ҳамда уларнинг қахрамонона аъналарини давом эттирувчилар хизмат қилмоқда. Улар ўз мустақил Ватанининг ҳақиқий ватанпарварлари, ҳарбий ишининг моҳир билимдонлари бўлиб, муқаддас сарҳадларимизни ва ўз халқининг тинч меҳнатини ҳимоя қилишга доир конституцион бур-

чини муносиб равишда ва шараф билан бажаришга ҳаммиша тайёрдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти - Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони номидан ва унинг топшириғига мувофиқ сизларни умумхалқ байрами - Хотира ва кадрлаш кунини билан табриклайман ва қўтлайман.

Сизларга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва эсон-омонлик, Ўзбекистон Республикасини гуллайтиб-яшлатиш, Қуролли Кучлар жанговар тайёргарлигини ошириш ишида муваффақият тилайман.

Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида ҳалок бўлган қахрамонларга абадий шон-шарафлар бўлсин.

Хотира ва кадрлаш кунини нишонлаш юзасидан

### БУ ЮРАМАН:

1999 йил 9 майда соат 21.00 да Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрида артиллериядан 21 марта ўқ узилиб, байрам салюти берилсин ва мушакбозлик ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири генерал-лейтенант Х. ТУРСУНОВ

### «ХАВАС»ГА ЕТИШГАНЛАР

Президентимизнинг хайрли ташаббуслари билан республикамизда теннисга бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда.

Шу кунларда пойтахтдаги «Динамо» теннис мажмуиди IV аънавий «Хавас» кубоги мусобақалари бўлиб ўтаётди. Вазирлар, корхона ва ташкилотларнинг раҳбар ходимлари, вилоят ҳамда шаҳар ҳокимлари, жами 40 та жуфтлик 10 та гуруҳга (тўрт жуфтлик) бўлиниб кейинги босқичга чиқиш учун кураш олиб бормоқдалар. Бугун беллашувларда 8 та гуруҳда 24 жуфтлик голиби иштирок этади. Гуруҳлар таркиби қуръа ташлаш йўли билан аниқланмоқда.

Жўра НОРАЛИЕВ, Сурхондарё вилоят ҳокими

Бугунги кунда Сурхондарёда замонавий теннис кортлари, соғломлаштириш мажмуалари қурилмаган туман, шаҳар қолмади.

Бу мажмуаларда спортчилар, ёшлар, аёллар, раҳбар ходимлар мунтазам қатнашиб, соғлиқларини мустаҳкамламоқдалар.

Спорт билан мунтазам шуғулланган раҳбарларнинг эса руҳи тетик, кайфияти чоғ, ишида унум бўлади. Биз доимо шунга амал қиламиз.

Азиз НОСИРОВ, Самарқанд шаҳар ҳокими.

«Хавас» кубоги турнирининг нуфузи йилдан йилга ўсиб бормоқда. Бу шубҳасиз, шунинг кўрсаткичи. Турнир шартини эса барчага маълум: ким кучли бўлса, габаба ўшаники. «Хавас» кубогини қўлга киритиш учун беллашадиган иштирокчиларга амал ёр бўлсин.

Ҳа, «Хавас» кубогини қўлга киритиш учун қорғат тушган барчанинг кайфияти аъло. Теннис мажмуидидаги шарт-шароитлар юқори даражада ташкил этилган.

Хикматуллох КОДИРОВ, «Ишонч» муҳбири.

Инсон табиатнинг узвий бўлаги. Шунданми, унинг табиати ҳам ўзи мансуб бўлган мавжудот олами сингари сиру синоатга тўла. У шовқин-сурондан осудаликка талпини, бепеён кенгликларга чиқиб, тўйиб-тўйиб нафас олади. Дарёлар мавжи, куй авжидан, шарқирок сой сувларининг тошдан-тошга сакраб оқишидан, тўлин ойнинг кўк пештоқидан сирлирили боқишидан болаларча завқланади, лаззат туйди. Аксинча, муқаддас қадамжоларга борганда чуқур ўйга толади, намгин ҳаёллардан дили маҳзун тортади.

Шундай дамларда кўнглидан нелар кечгани

фақат ўзигагина аён. Чунки ҳар бир одамнинг ўзига хос хотираси бор. Аслини олганда инсон учун хотира муқаддас туйғугина эмас, асл бойлик ҳамдир. Инсоннинг инсонлиги ҳам шунда. Чунки ўтмишини, тарихини, насл-насабини унутган манкурт фақатгина қорин гамида яшайди ва ишлайди. Хотирасидан айрилган одамнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Юртбошимизнинг «9 майни Хотира ва Кадрлаш кунини деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармонлари шарофати ила бунёд этилган Хотира майдонини кен-жанарман, шуларни ўйладим. Назаримда, «ўтмишнинг энг кир ва қора кунларидан» бизга сабоқ бер-

## Таъзим МУҚАДДАС ҚАДАМЖО

ган Абдулла Қодирий, қилан киймай, хур инсон бўлиб яшашга чақирган Чўлпон, юрагини соз қилиб чалган Усмон Носир, миллат дарди, юрт рағбати йўлида жонини нисор қилган яна қанча ватандошларим мен билан ёнма-ён юргандек эди. Мотамсара она ҳайкали қошида таъзимга чоғланганимда кўз ўнгимда урушнинг бор даҳшатларини бошидан кечирган юртдошларим, қалб жароҳатларига ярим аср ўтса ҳам, малҳам тополмай кетган устозларим, бемақсад ва бемаслак Афғон уруши-

да шахид кетган тенгқурларимнинг муборак сиймоли гавдаланаверди...

Хотира майдони бўйлаб охиста одимларканман, унинг бугунги кўриниши билан олдинги манзарани ҳаёлан солиштирмаман. Эсингизда бўлса, илгари майдонга кираверишда «1941-1945» рақамлари муҳрланган эди. Бу рақамлар уруш йилларини эслатиб турарди, холос. Муздай каскага кўзингиз тушганда эса этингиз жунжикиб кетарди. Уруш, урушнинг ўзидек совуқ бир-икки кўриниш одами уйлантири-

шига ҳам ишонгинг келмайди. Ҳатто мангу олов ҳам қалбингизга илиқлик олиб қирмаган бўлса, не ажаб...

Хуллас манзара бу манзилга ташриф буюрганлар қалби, шуурига таъсир этмас, мушоҳада юриштига, фикр қилишга ундайламас эди. Энг ачинарлиси, бу кўриниш собиқ иттифонинг барча шаҳарларида бир хил, миллийликдан мутлақо йироқ ҳолда эди.

Бугун эса Хотира майдонига келган одамнинг кўкси фахру ифтихорга тўла-

ди. Чунки майдон тўридан жой олган мотамсара она дунё армонларини елкасида ортиб яшаган барча оналарнинг рамзий тисолидек гавдаланади. Унинг рўпарасида порлаб турган мангу олов эса баайин онанинг кўнглида, интизор кўзларида сўнмаган умид учкунларининг ўзидир. Майдоннинг ўнгу сўлида жойлашган, устунлари-ю пештоқларигача Хоразм, Бухоро ва Қўқон ёғоч ўймакорлиги мактабларининг энг гўзал, миллий нақшунигорлари билан безанган айвон барчанинг кўнглида ажиб хисларни уйғотади.

Энг муҳими, шарқона услубда қад ростлаган айвон остидаги Хотира китобига

она-Ватан, фарзандлар иқболи, элу юрт келажаги учун жангга кирган ва севиқли ёрини, оқ сўт берган онасини, киндик қони тўкилган муқаддас туپроқни дея жон фидо қилган минглаб юртдошларимизнинг муборак номлари битилганини кўриб ҳаяжондан энтикиб кетасан, киши. Мотамсара онанинг юрак сўзлари каби жаранглаб турган «Сен доим қалбимдасан, жигарим» битигини ўқиган ҳар бир она бу руҳафзо сўзларни яна бир бор дилдан такрорлайди.

Темир ҚУРБОН, «Ишонч» муҳбири.

ХОТИРА УЛУҒДИР, УЛУҒДИР ИНСОН,



Онажон, Давлатимиз раҳбари 9-майни Хотира ва кадрлар кунин деб эълон қилган кунни Сизни соғиниб, энтиқиб эсладим. Бугун ўтганларни хотирлаш, тирикларнинг кадринга етиш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи эканлигини янада чуқурроқ англаб етдик.

Онажон, юртимиз уз-ра сиз севган баҳор фасли ҳукмрон. Эсингизда-ми, ҳар баҳорда сизга гуллар тутардик, иссиқ кучоғингизда яйрардик. Энди Сизнинг орамизда йўқлигингиз мени минг изтиробларга солади. Мана, уч йилдирик, гуллар келтириб қабрингизга узра кўямиз. Кўз ёшларинизнинг унинг устига шабнамдек тўқилади. Бугун яна келдим, Сизни соғиниб. Қабрингиз пойида ўтирар эканман, ээгин ва мунгли хаёлларим тутқич бермайди. Онажон, эшигу туйнуксиз уйингиз пурнурми? Фарзандларингиз аъмолидин рунгингиз шодми?

Қўмсаш

нинг насихатларингизга муштоқман. Бугун бола тарбиялаш, оқ ювиб-оқ тараш қанчалар қийинлигини она бўлганимдан кейинчалик сездим. Сиз бизнинг ҳаётимизга кўзларингиздан нур, қалбингиздан ҳарорат, дуалларингиздан меҳр уллатдингиз...

Ушанда юрак хасталигингиз қаттиқ хуруж қилганди. Ҳар гал бундай пайтда барчамиз бошингизда парвона бўлардик. Ҳақимлар соғайиб кетишингизга ишонтиришиди. Тўқтин акам хизмат сафарини билан узокқа кетиши керак эди. Аҳолинингизни кўриб бормайман, соғайиб кетинг, қолгани бўлаверди деб зорланди. Сиз эса мен яшиман, сени ўзим кутиб оламан, деддингиз маънос. Бундай сузларни айтиш учун куч, матонат ва

қатъиятни қаердан олдингиз онажон! Ахир ўлингизни жўнатиб, дард билан олиша-олиша мангуга кўз юмдингиз-ку! Дафн маросимига етиб келган акамнинг бўзлашлари Сизга далда бўлолмади онажон!

Бугун Хотира куни арафасида меҳрингизга муштоқимиз, Сизни қўмсаймиз... Қабрингиз нурафшон, рунгингиз тинч бўлсин, илоҳо. Ҳаммамиз падари бузрукворимиз раҳнамолигида аёллар сизни ёдлашадди: «Шамсимоҳ суламлакка уста эди, ҳар йил ўзи бош-қош бўларди», дейишадди. Сизни қўп алқашади.

Маҳалламизда ҳар сафар сумалак пиширишганда аёллар сизни ёдлашадди: «Шамсимоҳ суламлакка уста эди, ҳар йил ўзи бош-қош бўларди», дейишадди. Сизни қўп алқашади. Онажон, мана, уч йилдирик, Сизни яшаймиз, эслаб қўз ёш тўкамиз, соғинамиз, қўмсаймиз, суратларингизни кўзларимизга суртмади, Сиз ҳақингизда набираларингизга фахрланиб сўзлаб берамиз. Оллоҳ Сизни раҳматига олган бўлсин, деб юзларимизга фотиҳа тортамиз.

Онажон Сизни соғиндик... Гўлбар ҲАСАНОВА.

Ватаннимиз мустақиллиги учун жонини, бор куч-қувватини аямаган бирор бир фахрий, бирор бир киши нутилмаслиги керак. Уларнинг ҳар бирига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши шарт.

Ислон КАРИМОВ.

1942 йилнинг 10 майи кунини кечгадек ҳамон унинг кўз ўнгига. Шу кунни Тошкентдаги Ҳамза номли театр биносидан бўлғуси аскарлар, улар ота-оналари ҳамда пойтахт жамоатчилиги вакилларини фашизмга қарши курашда яқдил бўлишга даъват этилди. Кексалар ҳаёт-мамот жангига отланганларга оқ фотиҳа беришди. Эртасигаёқ перронлар сафар жабдуқларини кўтарган ўспиринлар билан бўлиб кетди.

Ўдингдами дўстим, жанг суронлари!

Бир кунни она юртида ёпилган сўнги иккита патир номни йигирма чоғли аскарга бўлиб берди. У гарчанд котиб, моғор босиб кетган бўлса ҳам оғизларда мийдай эриди, жаннат таомини эслати.

Уруш унинг иродасини янада чинқиртирди. Курбон бўлган кўп қулоқ дош дўстлари оруз-умидларини қўриш унгагина насиб этди. Лекин уруш урушда! Унинг маъшум оқибатларини нутиб бўлади-ми. Шу босидан ҳам у уруш сабоқларини ҳамшиша ёдда тутиб, ёшларга гапириб беради.

Урушдан кейин у ички ишлар тизимларига кирк йил бекусув меҳнат қилди. Айни пайтда 12 фарзандга айланган. Қилган меҳнатга яраша дам олишни, даволанишни эпласан умрингиз ҳам узаяверар экан...

беназир ота, 50 дан зиёд невараче-қаварга суюкли бобо сифатида кексалик гаштини сурмоқда. — Болалигимдан китоб шайдосиман - дейди у, — ҳатто хат орқали қўшни республикалардан китоб излаганман. Қўш уясида кўрганни қилади, деганларидек, ўғил-қизларим, невараларимнинг ҳам қўлидан китоб тушмайди. Ҳозир ёшим 75 дан ошган бўлса ҳам тинч ўтиролмайман. Ҳар йили умр йўлдошим ёки улфатлар билан Уш Арслонбобга, «Хумсон» ёки «Чортоқ»ками бориб дам олиш одатга

қибозининг кутубхонасида эса мингдан ортиқ адабий-публицистик, илмий-оммабоп ва бадий асарлар мавжуд. Унинг қаламига мансуб хотира китоблари машинкада кучирилган бўлиб, уларда муаллифининг ёшлик йиллари, уруш даври, ички ишлар бўлимларида ишлаган вақти, турмушда кўрган кечирган аjoyиб, ибратомуз воқеалар қизиқарли хикоя қилинади.

Хотираларни қозоғга туширишдан мақсад - сулолаимиз тарихи ва улар яшаган давр туғригида кейинги авлодимизга ёдгорлик қолдириш, дейди Зияд ака, ҳозирги авлод эса нари борса бирикки пуштини танийди, холос. Бунда биз-кексалар, ота-оналар айбдоримиз. Йўлбошчимиз ташаббуси билан нишонланаётган Хотира ва Кадрлар кунини эса урушларда шахид кетган ҳамда бугунги мунаввар кунлар шохиди бўлган кишилар фаолиятига баҳо бериладиган, улар эъзозланадиган ва айни пайтда ёшларни кекса авлод энг яхши анъаналари руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган сана ҳисобланади. Бизга ўхшаш фахрийлар учун эса фарзандларимиз, ёш авлод олдиди маъсул-лигимизни яна бир бор наймиш қиладиган кун ҳамдир.

Уста НАБИ.



ЭЗГУЛИК УНУТИЛМАЙДИ

Кишилар борки, умри мобайнида эзгу ишларни амалга ошириб эл-юрт, маҳалла-қўй ўрта-сида катта обрў эътибор қозонганлар. Ана шундай фидойи, олийжаноб инсонлардан бири Учқўрғон туманидаги «Нихол» санаторийси бош шифокори марҳум Абдулвот Дехқонов эди. У Андихон тиббиёт институтини тугатганидан сўнг, Намангандаги қатор шифо масканларида самарали меҳнат қилди. Унинг қўлидан кўп аб-жорлар шифо топдилар. Абдулвот ака яхши ташкилотчи, ташаббускор инсон эди. У раҳбарлик қилган даврда шифо масканининг ҳудуди кенгайтиди, боғ-роғлар, қўшимча даволаш хоналари бунёд этилди. Юкори малакали тиббиёт ходимлари фаолият юри-таётган, замонавий аб-жор-ускуналар билан жиҳозланган санаторийда дам олувчилар сони йил сайин ортиб боради.

Бош шифокорнинг орзулари кўп эди. Бирок Афсуслар бўлсинки, А.Дехқонов ҳаётдан бар-вақт кўз юмди. Аммо у амалга оширган хайри ишлар, инсонлар учун намуна бўладиган аjoyиб феазилати бир умр яхшилар ёдида, эъзозидадир!

МАРАФОН СТАРТ ОЛДИ

Ўзбекистон Ногиронлар спорт ассоциацияси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти спорт қўмиталари ташаббуси билан пойтахтимиз ва Тошкент вилоят ҳудудларида ногирон спортчиларнинг ногиронлар аравачаларида марафони ўтказилапти.

Маъмур марафон Геннадий Красницкий номи стадиондан бошланиб, пойтахт вилоятининг Тўйпета шаҳри орқали Бектемир тумани ҳокимияти биноси ёнида ни-ҳояси етади. Ушбу байрам тадбирида 8 нафар спортчи-Пўлат Ҳасанов - (команда капитани), Елена Скмянская, Александр Солдаткин, Виктор Агапов, Александр Рипкин, Санан Ашев қатнашапти. Ушбу спортчиларга Владимир Коротченко мураббийлик ва Мелис Фофуров раҳбарлик қилмоқда.

Марафон қатнашчиларига Ўзбекистон Ногиронлар спорт ассоциациясининг «Ўзспортинишоотлари» бошқармиси, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда бошқа корхона ва муассасаларнинг эсдалик совгалари топширилади. А.ЙЎЛДОШЕВ.

БУНДА БОР МУҲАББАТ, ОҚИБАТ

Уруш бошланган йили 5-синфини тугатган эдим...деб хикоя қилади Соня Ҳабидуллона, биз қизларнинг ўшанда кундузи ўқиб, кечалари ишлашимизга тўри келарди. Ғиждувон шаҳридаги саккиз йиллик мактабни тугатган йилларимиз ҳарбий комиссарлардан чакирув қозони олишган эди. Кенгадик эсимда мактабимиз раҳбари - Бердин деган домламиз фронтга жұнаб кетаётган йилларини бирма-бир бағрига босиб, уларга оқ йўл тилган эди. Афсуски, жангхотлардан омон қайтиш ҳаммага ҳам насиб этмади.

Болалигимнинг ташвишлари андуларга тўла дамларни бот-бот тушимга қиради. Уйгонаман-у, тинч, осойишта юрда ҳаёт кечираётганимга, осмонимизнинг мусофиро ва заманимизнинг тинч эканлигига шукроналар айтаман...

Урушнинг авжи палласи Соня Ҳабидуллона ўз тенгурлари қатори пиллакашлик корхонасида ишларди. Қўш уюқси, очнаҳор юришлар кўпчилигини ҳолдан тойдирганди. Со-ныңин ота-онаси ва син-гиллари ҳам тиним билмай ишлашарди.

У урушдан кейин Самарканд Давлат университетининг табиат-тупроққу-нослик факультетини битирган. Бухоро ўлкашунос-лик музейига ишга келди. Мана, салкам 50 йилди-ри, ана шу кўтулг даргоҳ-да сидидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

Жонқуяр аёл ҳаммиса одамлар орасида бўлди. Эл-юртга танилди. Фидо-корона ишлаб, кам бўлма-ди. Узок йиллар давоми-да у Бухоро вилоятининг қўпгина туман ва кишлқ-ларини кезиб чикди. Ур-тачул яйловларида чўп-чуликлар билан сўхтаб-да бўлди. Улар учун турли қўргазмалар ташкил этди. Илақ курти боқувчилари-нинг меҳнат шартонлари-ни энгиллаштириш бора-сида кўп иш қилди. Услу-бий ёрдам тарихида зарур кулланмаларни нашр эттирди.

Эзгулик йўлидаги саёй-харакат, одамларга кўрсатиладиган меҳр-оқибат ва самарали меҳнат унга чинакамига обрў келтир-ди. Ахир, инсон учун бун-дан-да олий мукофот бор-ми дунёда!... И.АСКАРОВ.

Шундай улуг кун муноса-бати билан Баҳром отадек саҳий қалб, меҳри дарё ин-сонлар ҳаёт йўлига яна бир бор назар солиш, эзгу амалларини хотирлаш ин-соний бурчимиздир. Шу билан бирга бундай саҳо-ватли кишининг ҳаёт йўли ҳаммамиз, хусусан ёшларга катта ибрат мак-таби бўлиши аниқ.

Баҳром ота Самадов ик-кинчи жаҳон уруши қатнаш-чиси эди. Икки марта оғир яраланган, доволаниб, яна сафга қайтган.

Уруш тугагач, олий маълумотли бўл-ди. Уттиз йилча мактабда дарс берди. «Ўзбекис-тонда хизмат кўр-сатган ўқитувчи» унвонига сазовор бўлди.

Олтмишинчи йилларнинг охи-рига бориб Баҳ-ром отанинг со-ғлиги ёмонлашди. Унинг бир оёқ-қўли жонсизланиб, яхши ишламай қолди. Лаънати уруш асорати эди бу. Кўп даволанишга тў-ғри келди. Шунда ҳам ноу-мид бўлмай, келажакка ишонч билан қаради. Ши-фокорлар жисмоний меҳнат билан шуғулланишни мас-лаҳат беришди. Шундан кейин у жамоа хўжалиқидан ташландик ҳолда ётан ў-тиз сотишдан кўпроқ ерни сўраб олиб, яхшилаб иш-лов берди. Кейинчалик уни янада кенгайтирди. Ҳар кун ишдан кейин, дам олиш кунлари ер ағдариб, дара-хт экиб, каровисиз қолган ерни обод жойга айлантир-ди. Жисмоний меҳнат қил-гани сайин касаллик ҳам че-

кинди, соғлиги ўнғланиб бор-ди. Бир гайратига юз гай-рат қўшилди. Ёшлигидан гулга ишқи тушган Баҳром ота атиргул-ларни пайванд қилиш, улар-ни кўпайтириш билан шуғул-ланди. Биринчи йиллик ми-ронг тупга яқин атиргул кўчати етиштирди. Кейинчалик атиргулнинг йигирмадан ор-тиқ навларини кўпайтириб, ҳар йили беш-олти миң туп қўчат етиштириб бера бош-лади. Қўшни хўжалиқлар, ту-манлардан ҳам келиб, Баҳ-ром отадан гўл қўчати олиб кетишарди.

Одамлар оғирини энгил қилишдек эзгу орзуларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлгандан хурсанд бўлиб, «Меҳнат кетидан кел-

БОҒЛАР ҚАЙТА ЯШНАДИ

Тут қўчатларини ҳам экиб қўпайтириш мақсадида Баҳ-ром ота хўжалиқдан яна кў-шимча ер олди. Ҳар йили тут уруғи экиб, 200-300 миң туп ниҳол етиштири бошлади. Бу ишларнинг ҳаммасини ҳеч қандай қўшимча ишчи кучи-сиз, фақат оила аъзолари билан бажарарди. Ҳозирда Пойарик, Челек туманлари-да барқ уриб турган тўзорлар-нинг деярли барчаси Баҳром ота етиштирган қўчатлар, десак муволажа бўлмайди.

Баҳром ота гўл қўчатлари, тут ниҳолларидан ташқари кўп аб мевали ва манзарали дарахт қўчатлари ҳам етиш-тирди. Натижада жамоа хў-жалиги яхшигина даромад ола бошлади. «Ҳар йили миңглаб гўл, тут қўчатлари етиштирасизу

бир катта ишга қўл урди. Бу сафар ҳамқишлоқлари учун кутубхона кўриб бери-шни ният қилди. Яхши ният, ярим давлат деб бе-жиз айтганган экан, доно халқимиз. Отанинг бу ният-лари ҳам тезда амалга ош-ди. 1989 йил ўзи яратган боғда, амбулатория яқини-да яна бир янги бино, бу сафар икки қаватли кутуб-хона қад кўтарди. Ун миң-дан зиёд китоб фондига эга бўлган ушбу зиё маскани кишлоқ ёшлари маънавия-тини шакллантиришда му-ҳим роль ўйнамоқда.

Бутун умр эл-юрт қай-ғусида яшаган Баҳром ота Сама-довнинг амалга оширилган бу-ган ишлари кўп эди. Санаторий қуришдек улуг ниятлари бор эди.

Вафот этган-ларида ҳам мана бир йилдан ош-ди. Пойариклик

Баҳром ота бошланган иш-лар эса тўхтаб қолгани йўқ. От изини той босади, де-ганларидек, тўнғич ўғил Аҳ-рор ака бошчилигида фар-зандлари, неваралари да-вом эттиришапти. Баҳром ота қурдирган амбулатория-дан одамлар шифо топи-шапти. Кутубхона эса ҳар доимгидек китобхонлар би-лан гавжум. У киши ярат-ган боғ бу йил ҳам - қийос-гўлға қилинган. Баҳром ота-дек кишилар эзгу ишлари билан ўзларидан кейин ҳам одамлар учун хизмат қи-ладилар. Бундай инсонлар ёди ҳеч қачон нутилмайди.

Хайрулла ТУҲТАЕВ, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази бош мухассиси.

АДАШГАН МАКТУБ

1943 йил Саратон. Қора нонга ҳам қорин тўймайдиган вақт. Дард устига чипқон, деганларидек безгак касали тарқалган эди.

Кутилмаганда катта акам Маъруф Хўжаевдан Шай-хонтохурдаги уйимизга қора хат келди: отам ва мен ҳанг-манг бўлиб қолдик. Бир зумда маҳалла ахли йўғилди. Лекин, бу шум хабарни онаизоримга бил-дирмасликни ҳаммага уқтириб, хатни яшириб қўйдик. Онам ишдан келдилар, қўзлари тўла жикка ёш. Элининг оғзига элак тутиб бўлмас, деганлари-дек кимдир оғзидан гуллаб қўйганлиги маълум бўл-ди.

—Кўчадан эшитиб келдим, хат қани?— дедилар.—Ҳеч қандай хат йўқ, ким нима деган бўлса бе-корларни айтабди, ўтир чой ичиб ол, —дедилар отам. Онам шундай бўзлаб йўғилдикилар, қани энди юрак бардош берса. Биз ҳам қўшилиб йўғладик.

Уйимиз бир пасда азахонага айланди қўйди. Қўни-қўшни, қариндош-уруғ йўғилиб, онамларга таскин берган бўлишди. Уртанча акам Матлабхон 1942 йил 15 февралда урушга жұнаган эди. Улардан ҳам хат келмай қўйди. Уруш тугаганидан кейин ҳам ном-нишон бўлмади. Икки фарзанднинг доғи онаизорнинг қалбини лар-зага солмайди, ахир, не ҳасратда катта қилиб энди уйилтираман, неварали бўламан, деб турга-нида шундай шум хабар, алифдек қоматни долдек эғиб қўймайди...

Бир кун Маъруф акамнинг ўз қўллари билан ёзилган мактубини олдик. У хатда «Мен яхши бў-либ, соғайиб кетдим, ўрмонларда чопқиллаб юриб-ман» деб ёзган эди. Кейин билсак, бу хат ўлимлари олтидан ёзилган сўнги мактублари экан. Мана шун-га ҳам 56 йил бўлибди. Лекин қора хат келган би-лан қаерда ўлганлар, қаерда қўмилганлари ҳақида биз ҳеч қандай маълумотга эга эмас эдик.

Савоб истаб юрган инсонлар ҳам бор экан. Ик-кинчи жаҳон уруши фахрийси, Ўзбекистонда жи-мат кўрсатган журналист Мажид Самадов бизга но-хуш бўлса ҳам бор гапни етказдилар. Улар урушда ҳалок бўлган, бедарак кетган жангчилар номларини архивдан ёзиб келган эканлар.

Акамни кўп ёдга оламан, хат ёзганларида чизиги йўқ оддий қозоғга бир текисда битар эдилар. Шеръ-лар машқ қилиб, мумтоз шоирларимизнинг қанча ғазалларини ёддан билар эдилар. Овозлари шира-ли ва ёқимли эди.

Афсуски, акаларим ва уларга ўхшаш миңглаб юрт-дошларимизга дорилмон кунларни қўриш насиб этмади. Бунга сабаби бўлган урушга лаънатлар ўқиб, осмонимиз доимо мусофиро бўлсин, деймиз. Маъмураҳон МУРОТХЎЖАЕВА.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТУХФАСИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг бюртимасига асосан юртимизда барпо этилаётган қатор соғлом-лаштириш нишоотлари халқ саломатлигини тиклаш ва яхшилаш йўлида қилинаётган саёй-харакатларнинг ёрун ифодасидир. Жумладан, яқинда Қашқадарё вилоятидаги «Қашқадарё соци-ли-санаторийида қурилиб фойдаланишга топширилган «Мадан-ий-маърифий марказ» барчаси хурсанд қилди.

Вилоятдаги 19-деҳтон қурилиш трестининг Қосондаги 232-хўжалик ҳисобидидаги механизациялашган қўлма жамланма қуру-чилари ҳада этган ушбу марказ замонавий талабларга мос жи-ҳозлар билан тўқилди. 150 ўринли кенг ва ёруғ ошхона, фитобар, клуб дам олувчилар хизматида бўлади. Суратларда: 1. Касаба уюшмалари вилоят кенгашининг раиси Эсонбой Ражабов, ҳамда вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Шўхрат Бегматов марказнинг очилиш тантанасида. 2. Маданий-маърифий марказнинг умумий кўриниши. 3. 232-ХМК жамланма раҳбари Исमतулло Ғаниев санато-рия бош шифокори Ақром Акбаровага рамзий калитни топширмақда.



# ХАЛҚИМИНИНГ УЧМАГАН АСЛ ШАЪНИ БУ!



## ЮРТИМ ДЕБ ЖОННИ ТИККАНЛАР

Республика «Нуроний» жамгармасининг Сарюсиё тумани раиси М.Мамаюсов билан Қорасув қишлоғида Ибодулло бобо Саидов хонадонига борганимизда, кун пешин эди. У киши уйда йўқ экан. Кутадиган бўлди. Ховлини кузатамиз. Ҳамма ёқ чинидек тоза, озода. Дангиллама уй дид билан қурилган. Бу ерда бирон ортиқча нарса бўлмаганидек, камми ҳам йўқдек туюлди бизга. Ховли тўридаги дарахтга илган қарасад тоғ қалиғи сайрамоқда. Мевали дарахтлар ҳосилга кирган. Томорқада турли сабзавот экинлари гуркираб турибди. Ишқомдаги ток барг ёзиб ҳосил тугунчалари пайдо қилган. Ховлига кирверишдаги айвон деворига катта қилиб чизилган Ўзбекистондаги энг гўзал жойлардан бири - Сангардак тоғи шаршараси сурати диққатимизни тортади. Албатта, шаршаранинг таърифи йўқ. Баланг тоғ қоясидан шитоб билан паства сочилиб-социлиб оқадиган бу шаршарани кўришни орзу қилганлар оз эмас. Хайратлики шундаки, қоя устида сув манбаи йўқ. У ҳолда бунча катта сув қаердан қияяпти? Бу табиат - муъжизаси. Мезбон оиланинг кичиги туман ветеринария хизмати бошлиги Амрилло бизни ичкарига таклиф этди. Кўп ўтмай Ибодулло бобонинг ўзлари ҳам келиб қолди. Сангардак - Хисор тоғи бағридаги катта қишлоқ. Яёв киши туман марказига икки кун йўл босади. Чанглоқ, Сангардак таркибига кирувчи қишлоқлардан бири. Ибодулло бобо Саидов асли шу қишлоқдан. У 1942 йилнинг 1 июлида 27 қишлоқдоғи билан шу ердан урушга кетди. У пайтлари тоғлар орасидаги қишлоқларда бошланғич синф маълумоти бор одам билимдон, ўқиган ҳисобланарди. Ибодуллонинг эса маълумоти юқори, олтинчи синфни тасмамолаган. Шу боис бригадада табелчилик ҳам қиларди. Фронгда шу маълумоти ш ёрди, чамаси, қисқа тайёргарликдан сўнг нишонини тўғри оласан, деб кўл пулемётини ишончи топширишди. Полк ҳафталаб кечалари йўл босиб, ботқоқликлардан ўтиб бир манзилга етиб келди. Жангга тайёргарлик бошланди.

ма ёқ олов, тўс-тўполон бўлиб кетди. Улганларнинг, ярадорларнинг ҳисобига етиб бўлмайди. Чекиниш йўқ. Душман осмондан ҳам, ердан ҳам ёпирилиб ҳужум қилади. Уруш урушда ҳеч ким жонини ўйламайди. Фақат мудофаада қаттиқ турамиз, базан ҳужумга ҳам ўтамиз. Шундай жангларнинг бирида чап қўлимдан елкам аралаш яраландим. Ушанда кулогимга осколка теккан. Госпиталда олти ой даволандим. Яроқсизсан деб уйга жавоб беришди, - деб хотирлайди жангчи.

У 1943 йилнинг ilk баҳорида, дарахтлар қуртак чиқара бошлаганида Сарюсиёда поезддан тушди. Қишлоғига етиб олиш учун улов ахтарди. Туман марказида сангардаклик поччаси Раҳмонқулни учратиб қолди.

- Э, бойи, Ибодулло, ўзингмисан? Улмабидинг? Сени ўлди, деб қора хат келди. Энанг, қариндошларинг аза очган. Энди умринг узок бўлади. Хай, илдамроқ бориб суюнчи оладиган бўлдим, - деди поччаси.

Ўғлидан қора хат олиб юрак-бағри қон бўлган Ойибиди она Ибодуллони қучоқлаб-қучоқлаб йиғлади. Қўзларидан сел-себар ёш оқди. Бу айрилиқ айни пайтда қувонч ёшлари эди. Ўлиб-тирилган жангчини кўргани бутун қишлоқ келди.

Кўпни кўрган кексалар ўша кунларни эслаб, эх-хе, нимасини айтсан болам, небир кунлар ўтмади. Урушни уруш десак, бу ёқдан ундан беш баттар бўлди. Қишлоқда қолган хотин-халаж, битта-ғрим кексалар, ёш болалар кечая кундуз ишлайди. Омоч янгда бўлгудай экди, ўрди, янғиди, топширди. Пахтанинг ташиши ундан ошиб тушди. Изгиринда ҳам пахта териб, кечалари қўсақ чувишди. Нормани бажарасан, бўлмаса - камаласан, деган дағдағалардан юрак безиллаб қолганди. Тактак, кунжара, совуқ еб шишиб ўлганлар қанча бўлди. Яратганга шукр, у кунлар ортда қолди. Энди ҳеч ким урушда балосини кўрмасин.

Ибодулло Саидов аввал қишлоғида ҳисобчилик, маалимлик қилди. Сўнг Самарқандда агрономликка ўқиб келди. Туман пахтачилик бўлимида, МТС да агроном бўлди. Узок йиллар жамоа хўжалигида раис муовини, раис бўлди. Жамоа хўжалигида қўллаб иморат қурдирди, бўғ яратди. Сангардакка йўл қурдириш, дарёга кўприк солиш ташаббускори бўлди.

Ҳозир нафақа олиб, уч ўғли, бир қизи, неварою че-

варалари бошида соябон. Қайси йили ҳажга бориб, Маккаю Мадинани зиёрат қилиб қайтди. Ахён-ахён хуруж қилиб турадиган контузясини ҳисобга олмагаанда соғлиғи яхши, бардам.

- Президентимиз жуда тўғри гапни айтдилар. Биз урушда она юртимизни деб, она юрт деганда ҳам ўзимиз тўғилиб ўсган қишлоқ, қишлоқда қолган оналаримиз, ёру биродарларимизни деб жангга кирганмиз. Билсангиз, Чанглоқдан 27 киши урушга кетган эдик. Шулардан атиги беш киши қайтган. Ҳамқишлоқларим олис юртларда шаҳид кетишди, - дея ўқинч билан хотирлайди собиқ жангчи.

- Урушдан қайтганлардан бирини Зикир Меликулов дейди. Бир кунда жўнаб, бирга жанг қилдик. У пулемётларнинг ўқдонини кўтариб юрарди. Мен яраланиб уйга қайтгач, у ҳам оғзидан яраланган. Ўқ жағини маҳкаб, тишларини тўккан. Такдирни қарангки, шу одамни ҳали ҳанузгача уруш қатнашчиси деган ҳужжати йўқ. Саводи йўқ-да, ҳужжат билан иши бўлмаган. Бир неча марта мудофаа ишлари бўлимига бориб, мен гувоҳликка ўтаман, шу одам билан урушда бирга жанг қилганимиз, ҳужжати топиб беринглар, дедим. Қани тингласа, у ёқ-бу ёққа эзиб қўрдиқ, фойдаси бўлмади. Бундай оддий, фақат меҳнатни биладиган, лекин юраги, қалби тоза одамлар кўп. Мана, Хоним қишлоғида Холназар Раҳимов деган бобо бор. Унинг ҳам урушда бўлганлиги тўғрисида ҳужжати йўқ. Президентимиз 9 майни - Хотира ва Қадрлаш кунини деб эълон қилиб кўп хайр-де, шовин ишончи ташаббускори бўлдилар. Энди мана бундай одамлар ҳам кадрланадилар.

Собиқ жангчи Ибодулло бобо Саидов ҳақ гапни айтди. Мамлакатимизда илк бора нишонланадиган Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан фронтларда жон олиб, жон берган ҳамоюртларимиз хотираси ёдга олинади. Хозир ҳаёт бўлган уруш фахрийлари, фронт ортида меҳнат қилганлар, ноғиронларни қадрлаш маросими ўтказилади. Мана шундай улғ байрамда бирон киши эсламасдан, кадрланмасдан қолиши мумкин эмас.

## Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улғувор ҳайкал бўлажак! Ўзбекистоннинг шуҳратига шуҳрат қўшувчи фарзандларимизга муқаддас бешик бўлажак!

Ислом КАРИМОВ.

**Учқўрғон туманидан иккинчи жаҳон урушида 6773 нафар киши қатнашган, шулардан 2430 нафари беомон жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. 365 киши бедарак йўқолган.**

Фақат Учқўрғон ўғлонларининг 3978 нафарига она қишлоғига эсон омон қайтиш насиб этди. Бундай инсонлар бахтимиз, фахримиз, суюнган тоғларимиздир. Зеро, туман ҳокимлиги бошчилигида Хотира ва Қадрлаш кунига пухта тайёргарлик қўрилди. Бош пудратчи «Наманганвиллоягросаноатқурилиш» ҳиссадорлик жамаитига қарашли ўн иккинчи акционерлик жамоаси бу-



## УЧҚЎРҒОН ТАЪЗИМИ

ҳиёбони учун 15 миллион сўм сарфланди. Эътиборлиси шуки катта ҳашарга кўпдан-кўп жамоалар муносиб ҳисса қўшишга сардорлик жамаитига таъкидлашича, кўтлуғ

ри билан гавжум. Ҳаяжон ила қадам ранжида қилаётган умри азизлар аввало урушда ҳалок бўлган инсонлар хотирасини таъзим бажо айлаган ҳолда ёд этмоқдалар.

Суратда: Уруш ва меҳнат фахрийлари Нигмат бобо ҲОЖИБОЕВ ва Петр ХАРИН. Г. ХАРИТОНОВ олган сурат.

## ФАХРИЙЛАРГА СОВҒА-САЛОМЛАР

Кеча Тошкент вилояти автойўл бирлашмасининг янги фойдаланишга топширилган Сергелидаги биносига Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят автойўл хўжаликларидан меҳнат қилаётган жамоалар билан бирга илгари шу ташкилотда ишлаган кишилар, кўси ордени медалларга тўла иккинчи жаҳон уруши, Афғон уруши, Чернобиль воқеаси қатнашчилари ҳам ташриф буюрдилар.

## УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент тўқмачилик ва енгил саноат институти. Хотира майдончасида 9 май Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб «Уч авлод учрашуви» ўтказди.

Институт ректори, профессор Ҳалимахонов Алимова умумхалқ байрами муносабати билан йиғилган барча уруш ва меҳнат фахрийларини, шунингдек, байналминчаларини, олий билимгоҳ профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари республикада биринчи марта нишонланаётган ушбу айём билан самимий табриқлади.

Учрашувда Республика «Нуроний» жамгармасининг раиси Эркин Боқибоев ушбу сананинг меҳнат авлодини тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

Тантанали учрашув ниҳоясида юздан зиёд уруш ва меҳнат фахрийларига институт раҳбарияти томонидан эъдалик совгалари топширилди.

Бу кўхна дунёга, қадим дунёга яна баҳор келди. Баҳорнинг ҳар гапги ташрифи, боғу-роғларнинг чечакларинигина эмас, менинг қалбимдаги қабр чечакларини ҳам уйғотиб юборди.

Қалбимдаги қабрлар... Оқ уларнинг залвори, дарди оғриқларини тасвирашнинг имкони бўлмайди. Қанийди бу оғриқларнинг интихоси бўлсайди, мен қўлимга қалам олмаққа эҳтиёж сезмасдим балки.

Мавлоно Фузулийнинг юрак тўримада жой олган бир сатри бор.

«Ихтиёр ўлсайди роҳат ихтиёр этмасдим».

Мен бугун соғинч зардобиди, оғриқларини, дардларини беихтиёр ўлган, бир девона қалбман....

Энди мени ҳар сахар Кўёш эмас соғинч тўла бир дардли хотир уйғотади. Тўшларимни хотирнинг телбабор зарблари тўлдиради.

Энди мени туллари юлдуз тўла осмон эмас, онамнинг осмондай ёруғ нигоҳлари, юлдузларини янглиғ ёғдуваш кўзлари аллалайди.

Менинг шафиқ ёлғизим, Онагинам тўшларимдаги осмон нигоҳларинг, ҳушларимдаги ёруғ хотирларнинг ҳақиқ, мен бир кун Осмон бўламан. Ҳа, Ҳа... Хотирнинг ишқиди ёришган Осмон, Соғинч зарбларига қоришган Осмон бўламан.

Бу телбабор дарддан, бесарҳад хотир исендан оғирлашган кўзларимни узок-узоклардан улғувор бир сукут билан боқиб турган кекса ўшмининг, баҳайбат япроқлар диёри бўлган сўлим ўшмининг, ўзганимнинг осмону-фалак билан бирлашган буюк тоғларига тиканман....

Воҳи бу тоғлар тоғ эмас қалб кўрмининг алангасига айланган раҳматли Шавкат Раҳмоннинг мағрур кўзларига айланиб қалбимга бостириб киради.

Шавкат Раҳмон....

Мен бу ёруғ исми, бу мағрур исми жоним жавҳари, кўзим гавҳари янглиғ қалбимда қанчалар ардоқлаб келаётганимни бу тилсиз тоғлар қайдан билсин ахир.

Юрагимнинг зардобига фарқ бўлган хотирлари сатрларнинг кўксига го бўла бошлайди.

**О, Дунё мен қайдан кўксимга босай,**  
**Сенинг кўзларингга куйган ёлғонни.**  
**Тоғлардаги тушларим айлайди паноҳ**  
**Тоғларга айланган Шавкат Раҳмонни.**

Шавкат ака ўзининг сўнгга шерьларидан бирини бизнинг саждагоҳ ўшминини таърифлаётди. «Қорли тоғлар ортидан бегим ўшим кўринди, султон ўшим кўринди» деб армон қилиб ўтган эди. Бугун мен ҳам кўксим тўла оғриқ билан:

«Шавкат Раҳмон дардидан, Хайрон ўшим кўринди, айрон ўшим

қўринди.

Фарзанди фироқидан, Гирён ўшим кўринди, олон ўшим кўринди: деб нола чекаётирман. О, кўхна дунё, сенинг дардларинг бунчалар улкан, бунчалар залворли бўлмаса... Раҳмон Нурийнинг Чолиқушим ўзининг кундалиги саҳифаларига аламларга фарқ бўлиб, айрилиқ тўфониди сел бўлиб оққанча, «Қалбим ўзим севган одамларнинг ўлиқлари билан лиқ тўла» дея ёзган эди бир пайтлар. Бугун айни ана шу ҳолатни мен ҳам бошимдан кечираётирман. Қалбим ўзим севиб, ардоқлаб, номларини хаёлан қайта-қайта ўлганим, ота-онамнинг, меҳрибон оламнинг, бу мусофир шаҳарда акамдан ардоқлаб, меҳр қўйиб, суҳбатларидан баҳраманд бўлган Шавкат Раҳмоннинг ёруғ хотирларга тўла қабри билан, суюкли қабрлар билан лиқ тўла.

**Энди кун кўришим қийиндан-қийин,**  
**Энди ҳаволар ҳам оғирдан-оғир.**  
**Қон йиғлаб, ўртаниб, йўл юрган сарим**  
**Узун-узун бўлиб эргашар Хотир.**

Баҳорнинг Хотира ва Қадрлаш кунини арафасидамиз. Бу қадрли кун, ўзи шу сиз ҳам ўзининг дарди билан менинг бедор юрагимни сахарлар синдирадиган, оқшомлар тиндирадиган улғувор хотирнинг, телбабор хотирнинг, олис ва яқин хотирнинг аламларини янглиғ кетади. Бу янғиринг ичиди менинг руҳим ҳам, алам, изтироб, қайғуларим ҳам янгиради. Кўзларимга осмонлар, кўёшлар, дарёлар чўка бошлайди.

**Танҳо қолиб кетди ҳаёлим ноҳос,**  
**Йўлаб етолмайман ўларимга ҳам.**

**Соғинч чўкиб кетган дарёман холос**  
**Шафиқ бўлолмасман сенга Шафиқам.**

Дунёда барибир хотирнинг борлиги яхши. У юракларимизни ҳамиса ёвуз истаклардан, тубан уй-хаёллардан поклаб, юксак-юксакларга чорлаб туради. Кўнглимизнинг бу ўткинчи дунё гавҳарларидан қақраган саҳроларига, ёруғ тўғёнларнинг яшил оёб-ҳаётларини олиб келади. Қалбларимизнинг мунаввар кўксига бош қўйиб, бизни ҳар лаҳзада мунавварликка чорлаб тургувчи улғувор буюк, олис ва яқин хотирнинг борлигига шукрлар бўлсин.

## МУНАВВАР ТҲУЙҒУЛАР

Бир соғинч оқди қонимда,  
Бир хайрат кулади боқира,  
Минг йилки, ишқ бўлиб жонимда,  
Яйбасан эй, ёруғ Хотира.

Сен забун қилмаган ҳолимни,  
Кўзимга сол кўхна Осмонни,  
Тўшимда тоғлардек юксалиб,  
Юксалиб поклагин бу жонни.

Мен сени руҳимга босарман,  
Тўйғую мунаввар Боқира.

Ҳеч қачон кўнглимни тарк этма,  
Кўнглимдек муаззам Хотира.  
Хотира, Хотира, Хотира.

Дилмурод ҚОСИМ.

Бирлашма бошқарувчиси Баҳром Ҳабибуллаев Президентимиз томонидан 9-Майни Хотира ва Қадрлаш кунини деб эълон қилиш тўғрисидаги Фармонидан келиб чиқадиган вазибалар, инсон қадриятлари, ёшлар тарбиясига оид масалалар ҳақида қисқа маъруза қилди. Шундан сўнг дастурхон аτροφиди ўйин-қулги авж олди. Қўшиқ рақса гуланди.

Тадбирда қатнашган икки юз нафарга яқин фахрийларга совға-саломлар берилди ва Автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаса уюшмаса Марказий қўмитасининг Фахрий ёрликларини топширилди. Аънағна биоан ош тортилди.

Уруш қатнашчилари, фахрийларнинг сўзга чиқиб, мустақиллик шарофати билан бўлаётган ишлар, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мурабийлик ҳаракатини кенгайтириш ҳақида, уруш ва ноаҳилликлар нималарга олиб келиши тўғрисида гапирдилар. Улар маъқур тадбир ташкилотчилари - Тошкент вилояти автойўл бирлашмаси маъмурияти ва вилоят автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаса уюшма қўмитасига миннатдорчилик билдиришди.

**Б.СОЛИҲОВ.**

**Абдуҳолик ҳарбий хизматни бирга ўтаган, икки йил ичиди оғанидек қардон бўлиб қолган ўртоқлари билан хайрлашиб, уйига, жонажон юрти - Муборак туманидаги Карлик қишлоғига қайтишга ҳозирлик қўрарди. Аскарлик йилларидан ҳикоя қилувчи суратларнинг ўзи бир неча альбомга жойлаштирилди. Ижодий ишни бир зум ҳам тарк этмади. Катор ён дафтларда битилган юрак сирлари - ашёрларни алоҳида сақларди. Уйга қайтишга бир неча кун бор, лекин вақтнинг ўтиши бунчалар секин...**

## ОРЗУЛАРИ БИР ЖАҲОН ЭДИ

Абдуҳолик соғ-саломат қишлоққа келса, элга ош берамиз, деб қадрдонларининг кўзлари эшикка қадалган.

Кутилмаганда шошилчинчоманинг келиши барча орзу-умидларни чил-парчин қилиб юборди... «Хизмат вазифасини ўташ пайтида оғир жароҳатланди».

Абдуҳолик минг азобни бошдан кечириб узок муддат госпиталда даволанди. Умуртқа поғонаси қаттиқ шикастланиб, натижада оёқлари ҳаракатланмай қолганди.

Энди тақдирга тан бермасдан илож йўқ. 1-гурӯҳ ҳарбий ноғирони бўлиб она қишлоғига қайтди.

Ёшлиқдан ҳамроҳ бўлган шерьят уни бир зум ҳам ёлғиз қолдирмади. Юрак дардларини қоғоз-

га туширди. Шерьят туфайли ўз бахтини топди.

1980 йилда ҳамқишлоғи, истеъдодли шоира Руқия Низомова билан турмуш қурди.

Абдуҳолик Мустафоев Ижтимоий таъминот вазирилиги томонидан бепул машина билан таъминланди. У мухбирлик касбинин ҳам давом эттирди. Меҳнатсевар, софдил ҳамқишлоқлари ҳақидаги сержамзун лавҳа, очерк, сарбазлари, бюрократ ва лоқайд кишиларни фош этувчи танқидий мақолалари газетехонлар томонидан илиқ кутуб олинди.

У фаол жамоатчи мухбир сифатида туман, вилоят ва республикамиздаги нуфузли газеталарда тез-тез мақолалари, туркум шерьлари, республика радиосининг адабий-драматик эшиттиришларида эса ўз ижод намуналари билан қатнашқувончли кўннинг қайғуга, бир умрлик айрилиққа айланганини.

У ҳаётдан бевақт кўз юмди. Фарзандлари Эркинжон, Зоир, Зухра, Бобир ва Бехзодларнинг нигоҳларида Абдуҳолик Мустафоев бир умр 35 ёшда бўлиб қолди...

«Насаф» нашриятида чоп этилган «Муборак овози» жамоа тўламида Абдуҳолик Мустафоев ҳамда Руқия Низомоваларнинг ҳам ижод намуналари берилган.

Бугунги кунда Руқия опа Абдуҳолик Мустафоевнинг ишини давом эттирмақда. Ўз шерьлари билан матбуотда тез-тез қатнашиб туради. Фарзандларига ҳам она, ҳам ота.

Тўнғич ўғиллари Эркинжон ҳам шерьлар ёзаркан.

Шерь - қалб мулки. Ёзганлари шерь бўлсин, - дейди умид билан Руқия опа, - Республикаимиз истиклолга эришгач, ижодкорларга кенг имкониятлар яратилди. Хур, диёримизни юракдан қуйлашдан бахтиёрман.

**Абдулла АЙЗОВ,**  
**«Ишонч» мухбири.**

Афсус! Ким билсин, бу

